



100015 г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Саёхат, туп., дом 2. тел.: +99893-570-19-50, +99898-570-19-50. Email: greatfours@mail.ru  
р/с 20208000605476519001 АКБ Хамкорбанк Авиастроительный филиал, МФО 01008, ИНН 309177255.

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**"JARQO'RG'ON PAXTA TOZALASH" АЖ  
(СТИР: 200 486 750)**

Сурхондарё вилояти, Жаркўргон тумани,  
Толачи кўчаси 35-й

**Жамият томонидан тақдим этилган молиявий хисоботлар юзасидан фикр.**

Аудиторлик текшируви 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий хисоботлари бўйича тайёрланди. Текширилган молиявий хисоботлар ўз ичига 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи (2-шакл) ва бошқа хисоботларни олади, шунингдек хисоб сиёсати қоидаларининг кискача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботлари маълумотлари аудитор томонидан ўрганилди.

Бизнинг фикримизча, "JARQO'RG'ON PAXTA TOZALASH" АЖнинг 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий хисоботи кўрсаткичлари жамиятнинг молиявий ҳолатини ишонарли тарзда акс эттирган ва жамият амалга оширган молиявий ва хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига тўла мос келади.

### Фикр билдириш учун асослар

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳалқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ ўтказилди. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хуносанинг "Аудиторнинг молиявий хисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустакил равишда Бухгалтерлар учун ҳалқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси" талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий хисобот аудитига тегишли конун хужожатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб хисоблаймиз.

### Аудитнинг мухим масалалари.

Аудитнинг мухим масалалари - ушбу масалалар, бизнинг профессионал муроҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий хисоботни текшириш учун энг мухим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий хисобот аудитида кўриб чиқилган.

### Молиявий хисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий хисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия хисобининг миллӣ стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий хисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий хисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра хисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий хисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўтири кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч хосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хуносасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, АҲСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим хисобланади.

Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташкари биз қуйидагиларни бажарамиз:

✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий хисоботнинг жиддий бузилиши ҳатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу ҳатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат киладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юкори, чунки фирибгар соҳталашибтириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-харакатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва ҳакконий тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

✓ қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия хисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш кобилиятига жиддий шубҳа тугдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаникликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хуласа қиласиз. Агар биз муҳим ноаникликлар мавжуд деган хуласага келсак, аудит хисоботида молиявий хисоботдаги ноаникликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаникликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хуласамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий хисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий хисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулокот қиласиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганилиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий хисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит хисоботимизда ёритамиз.

«GREAT FOURS» МЧЖ

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Саҳфат борг мажзиаси, 29

23 май 2024 йил.



Л.А.Мадраимов